"GLOBAL HEALTH AND MODERN MEDICINE: INNOVATIONS AND PERSPECTIVES"
International Conference titled

Website:https://worldsiencepub.com/index.php/isngcs September edition,2026

БУХОРО УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАРИ ОРАСИДА ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИДА ПОЛИПРАГМАЗИЯНИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ОРАСИДА ТАРҚАЛИШ ДАРАЖАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахматова Дилбар Бахриддиновна
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти
e-mail: dilbar_raxmatova09@bsmi.uz
https://orcid.org/0000-0002-7321-3248

Аннотация: Мазкур тадқиқот Бухоро ҳудудидаги узоқ умр кўрувчилар орасида юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларда полипрагмазиянинг тарқалиш даражаси ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Тадқиқотда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида дори воситаларидан фойдаланиш кўлами, полипрагмазиянинг ёш, жинс ва клиник омиллар билан боғлиқлиги таҳлил қилинади. Олинган натижалар узоқ умр кўрувчи беморларда дори терапиясини мақбуллаштириш, асоссиз дори юкини камайтириш ва хавфсиз фармакотерапия тамойилларини такомиллаштириш учун муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва индивидуал даволаш ёндашувларини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Калит сўзлар: юрак ишемик касаллиги, узоқ умр кўрувчилар, полипрогмазия.

Кириш: Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қарилик даврида ятроген полипрагмазия ҳолатлари кескин ошиб, 100,0% гача етиши, ўлим кўрсаткичи эса 10% гача кўтарилиши мумкин. Шу муносабат билан узоқ умр кўрувчиларда даволаш тактикаси ва профилактик чора-тадбирлар полипрагмазия частотасини камайтириш ҳамда дори воситалари билан боғлиқ ятроген таъсирларнинг ривожланиш хавфини олдини олишга қаратилган бўлиши лозим.

Аҳоли умр кўриш давомийлигининг ортиши юрак ишемик касаллиги каби сурункали касалликлар билан узоқ муддат яшовчи беморлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда. Айниқса, узоқ умр кўрувчи беморларда бир нечта касалликнинг бир вақтда учраши кўп сонли дори воситаларини қўллаш заруратини юзага келтириб, полипрагмазия хавфини оширади. Бухоро аҳолиси орасида, хусусан, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи узоқ умр кўрувчиларда юрак ишемик касаллигида полипрагмазиянинг тарқалиш даражаси ва хусусиятларини ўрганиш дори терапиясининг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар оқилона фармакотерапияни шакллантириш, ортиқча дори юкини камайтириш ва кекса беморлар саломатлигини асрашга қаратилган индивидуал ёндашувларни такомиллаштириш имконини беради.

Мақсад: Бухоро узоқ умр кўрувчилари орасида юрак ишемик касаллигида полипрагмазиянинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида тарқалиш даражаси ва хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Текшириш усуллари ва материаллари: Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон ҳудудига қарашли Бухоро вилоятида яшовчи 90 ёш ва ундан катта бўлган уюшмаган популяция гуруҳидан иборат 824 нафар шахснинг репрезентатив танланмаси олинди (517 нафар аёл узоқ умр кўрувчилар ва 307 нафар эркак узоқ умр кўрувчилар) ва тахлил қилинди.

Олинган натижалар: Тадқиқот натижаларига кўра, ишемик юрак касаллигига чалинган қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида яшовчи узоқ умр кўрувчилар орасида полипрагмазиянинг

© 2026lobal Health and Modern Medicine: Innovations and Perspectives. All Rights Reserved.

учраш частотаси мос равишда 82,2% ва 17,8% ни ташкил этди (p<0,05). Ҳаддан ташқари полипрагмазия ҳолатлари қайд этилмади (0,0%). Кичик полипрагмазия эса қишлоқ ва шаҳар аҳолисига мансуб узоқ умр кўрувчиларда мос равишда 83,1% ва 16,9% частота билан аниқланди [p<0,05; RR = 1,07; 95% CI = 0,88 – 1,30; χ^2 = 0,24; r^{++} = 0,023]. ЮИК мавжуд шаҳар ва қишлоқ аҳолисига мансуб узоқ умр кўрувчиларда катта полипрагмазиянинг аниқланиш частотаси мос равишда 19,0% ва 81,0% ни ташкил қилди [p<0,05; RR = 0,93; 95% CI = 0,76 – 1,14; χ^2 = 0,44; r^{++} = 0,031].

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ЮИК билан касалланган УУКП >90–99 ёш, УУКП >100 ёш ва УУКП >90–100 ёш гуруҳларида полипрагмазиянинг тарқалиши мос равишда 96,9%, 3,1% ва 100,0% частота билан аниқланди [p<0,05; RR = 1,44; 95% CI = 1,00 – 2,07; χ^2 = 4; r^{++}=0,07]. Ушбу ёш гуруҳларида ЮИК билан касалланган узоқ умр кўрувчиларда кичик полипрагмазиянинг аниқланиш частотаси мос равишда 96,8%, 3,2% ва 54,8% ни ташкил қилди [p<0,05; RR = 1,38; 95% CI = 0,70 – 2,73; χ^2 = 1,14; r^{++} = 0,037]. Турли ёш гуруҳларидаги ЮИК билан касалланган узоқ умр кўрувчи беморлар катта полипрагмазияга ҳам деярли бир хил юқори мойиллик билан тавсифланади. Жумладан, катта полипрагмазия УУКП >90–99 ёш, УУКП >100 ёш ва УУКП >90–100 ёш гуруҳларида мос равишда 97,1%, 2,9% ва 45,2% частота билан аниқланди [p<0,05; RR =1,52; 95% CI =0,71 – 3,25; χ^2 =1,36; r^{++}=0,041]. Ҳаддан ташқари полипрагмазия кузатилмади (0,0%).

Хулоса: Бухоро ҳудудидаги узоқ умр кўрувчиларда юрак ишемик касаллиги фонида полипрагмазиянинг кенг тарқалиши дори терапиясига индивидуал ёндашув зарурлигини кўрсатади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда, дори воситаларини оқилона танлаш ва мунтазам қайта баҳолаш ортиқча дори юкини камайтириш, даволаш хавфсизлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гулян Р.Г. ва ҳаммуаллифлар, // Юрак-қон томир касалликларида эндотелиал дисфункция ва ишемик ўзгаришларнинг клиник-диагностик аҳамияти // Кардиология ва ички касалликлар журнали 2021; (3):112–118 б.
2. Ефремова О. А., Камышникова Л. А., Никитин В. М., Железнова Е. А., Липунова Е. А., Анохин Д. А. Диагностика ишемической болезни сердца интеллектуальной системой «АРМ-Кардиолог» // Человек и его здоровье. 2014. №1.
3. Forman D.E. ва ҳаммуаллифлар, // Effects of Age and Comorbidities on Outcomes in Patients With Heart Failure (HF-ACTION Study) // Journal of the American College of Cardiology, 2017;69(11):908.
4. Gan L, Lyu X, Yang X, Zhao Z, Tang Y, Chen Y, Yao Y, Hong F, Xu Z, Chen J, Gu L, Mao H, Liu Y, Sun J, Zhou Z, Du X, Jiang H, Li Y, Sun N, Liang X, Zuo L. Application of Angiotensin Receptor-Neprilysin Inhibitor in Chronic Kidney Disease Patients: Chinese Expert Consensus. Front Med (Lausanne). 2022 Jul 19; 9:877237. doi: 10.3389/fmed.2022.877237.
5. Gao J, Ma X, Zhang Y, Guo M, Shi D. The role of microRNAs in prethrombotic status associated with coronary artery disease. Thromb Haemost. 2017 Feb 28;117(3):429-436. doi: 10.1160/TH16-07-0503.
6. Yosaee S, Soltani S, Sekhavati E, Jazayeri S. Adropin- A Novel Biomarker of Heart Disease: A Systematic Review Article. Iran J Public Health. 2016 Dec; 45(12):1568-1576.

© 2026lobal Health and Modern Medicine: Innovations and Perspectives. All Rights Reserved.

7. Skolnick A.H., Alexander K.P., Chen A.Y., et al. // *Characteristics, Management, and Outcomes of 5,557 Patients Age ≥90 Years with Acute Coronary Syndromes: Results from the CRUSADE Initiative* // Journal of the American College of Cardiology. 2007;49(17):1790–1797 p.
8. World Health Organization. *Research for Universal Health Coverage (World Health Report 2013)*. Geneva: WHO; 2013.
9. World Health Organization. World Health Statistics 2021: Monitoring health for the SDGs. Geneva: WHO; 2021. 121 p.
10. Xu M., Lo S.H.S., Miu E.Y.N., Choi K.C. Educational programmes for improving medication adherence among older adults with coronary artery disease: systematic review and meta-analysis. 2024–2025.

© 2026lobal Health and Modern Medicine: Innovations and Perspectives. All Rights Reserved.